

Сарф-харажатдаги исроф



08:30 / 15.12.2018 3854

Исломда қандай сарф-харажат бўлмасин, унда исрофга йўл қўймаслик доимий равишда таъкидланади. Бу маъно Қуръони карим оятларида ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ўз ифодасини топган.

Аллоҳ таоло Фурқон сурасида марҳамат қилади:

﴿قَوْمًا ذَلَلُوا بَيْنَ وَكَانَ يَفْتُرُوا وَلَمْ يُسْرِفُوا لَمْ أَنْفِقُوا إِذًا وَالَّذِينَ﴾

«Нафақа қилганларида исроф ҳам ва хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар» (67-оят).

Мусулмон киши мол-пул сарфлашда доимо мўътадил бўлиши керак. Ҳеч қачон мол-дунёни исроф қилмаслиги ва ҳаддан ташқари хасис бўлиб, зарур

жойга ва керакли миқдорда сарфлашдан бош ҳам тортмаслиги лозим.

Исломда шахсий мулкчиликка кенг йўл очиб қўйилган. Шу билан бирга, кишиларга шахсий мулкни ҳавойи нафсига биноан тасарруф қилишга ҳам йўл қўйилмайди. Аввало, бу мулкни гуноҳ ишларга, ҳаром-харишга ишлатиш ман қилинган.

Шунингдек, мол-мулкни беҳуда сарфлашга «исроф» номини бериб, мусулмонлар исрофдан қайтарилган. Мол-мулкни беҳуда, ноўрин сарфлайдиган одам «сафийҳ» – «эсипаст» дейилади. Ким сафийҳ бўлса, маҳкаманинг ҳукми ила унинг молу мулки музлатиб қўйилади. Керак бўлганида маълум миқдори берилади, қолгани сақлаб турилади.

Шу билан бирга, ўта хасис одамга қарши чора ҳам кўрилади. Болачақасидан, нафақасидагилардан қисиб, уларга ҳақлари даражасида сарф қилмаса, маҳкама ҳақларини олиб беради.

Ибн Аббосдан ривоят қилинади:

«У киши Аллоҳ аzza ва жалланинг «Ҳар бир инфоқ қилган нарсангизнинг ўрнини У тўлдирур. У Зот ризқ берувчиларнинг яхшисидир» деган сўзи ҳақида: «Исроф ҳам, мумсиклик ҳам қилмасдан», деган».

Бухорий ривоят қилган.

Демак, банданинг моли бўлатуриб, уни исроф қилиб юборса ҳам, Аллоҳ таоло бунинг ўрнини тўлдириб бермас экан. Шунингдек, хасислик қилиб, маҳкам ушлаб турса ҳам, мол кетганда унинг ўрнига бошқа мол бермас экан.

Ўртача, мўътадил туриб, хасислик ҳам қилмасдан, исроф ҳам қилмасдан, молини Аллоҳ таоло айтганидек, шариат кўрсатганидек тасарруф қилса, Аллоҳ таоло унинг садақаси, хайр-эҳсонининг ўрнига ўзи кутмаган томондан яна бошқа неъматлар ато этар, баракасини бериб қўяр экан.

Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Албатта, Аллоҳ сизларга қийлу қолни, кўп саволни ва молни зое қилишни ёмон кўрди».

Аҳмад ва Табароний ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифда ман қилинаётган нарсалардан бири – молни зое қилиш. Товламачилик, зўравонлик, ўғрилик, рибохўрлик, ҳаром моллар савдосидан тушган моллар ҳаром ҳисобланиши шубҳасиз. Лекин ҳалол йўл билан топилган молни ҳам ҳою-ҳавасга, риёкорликка, хўжакўрсинга, одамлар орасида шуҳрат топиш учун беҳуда ишларга ва ҳаром-харишга сарфлаш ҳам молни зое қилиш, исроф қилиш ҳисобланади.

Бир банданинг қўлидаги мол фақат ўзиники эмас, балки бу молда унинг оила аъзолари, ўзи яшаб турган жамиятнинг ҳам ҳаққи бўлади. Шунинг учун ҳам унга омонат сифатида қараш, исрофдан сақлаш лозимдир.

Исрофчилик мўмин кишига тўғри келмайди, мўмин киши молини тежаб, тадбир билан ишлатиши, зое қилмаслиги лозим.

Мол-мулкни зое қилиш Аллоҳ таоло берган неъматни беҳуда сарфлашдир. Бу нарсани қилувчилар шайтоннинг биродари бўладилар. Ушбу номаъқул иш инсонларнинг ўзига ҳам, улар яшаётган жамиятга ҳам катта зарар келтиради. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларини бу ишдан қайтариб, бир нечта оятлар нозил қилган.

Аллоҳ таоло бандага мол ато этгач, уни исроф қилмасликни тайинлади. Жойини топиб, Аллоҳ таолонинг йўлида, Аллоҳни рози қиладиган ҳолатда, шариатнинг кўрсатмасига мувофиқ равишда сарф қилиш, ишлатиш, бериш керак бўлади.

“Исроф” китобидан